



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyūa - الماتريدية - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислол цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (احمد سعد المنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар макмуаси Ислол тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислол фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1503-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

## МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova.** Ислолда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари .....3
- Shoislom Akmalov.** Янги Ўзбекистон маърифий такомилида илмий марказларнинг ўрни .....12
- Ithomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov.** “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари .....19
- Nematulla Nasrullayev.** Убайдуллох ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари хақида .....29
- Muhabbatkhan Agzamova.** “Тарих ар-Русул вал-мулк” асарида ислол манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши .....41
- Nigora Khakimova.** “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилнинг қўлланилиши .....48
- Bakhodir Daminov.** Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили .....55
- Bakhodir Pirmukhamedov.** Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси .....65
- Akhmadkhan Alimov.** Мотуридий улаомларининг калом илми ривожига қўшган хиссаси .....72
- Abdulaziz Yakhshilikov.** Сабаби нузул илми ривожланиш боскичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари .....83
- Ikhtiyor Abdurahmonov.** “Шарҳ ар-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи .....91
- Mamurjon Erkayev.** Ижара ақди билан боғлиқ оятлар таҳлили .....98
- Nodir Shomirzayev.** Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи .....107
- Ulugbek Jorayev.** Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш боскичлари таҳлили .....118
- Jasurbek Abduqodirov.** The role of Imam Maturidi’s mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan .....124
- Pirnazar Rajapov.** Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) .....130
- Абу Мансур Мотуридий** (тарихий романдан парча) .....140

**Nodir T. SHOMIRZAYEV,**  
*Committee on Religious Affairs,  
Information and analysis center for  
studying religious and social processes.  
12, Navoi str 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [nshomirzaev074@mail.ru](mailto:nshomirzaev074@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/13

**РЕАБИЛИТАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА ДИНИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТАРИХИ**

**THE FORMATION OF THE  
REHABILITATION CONCEPT AND  
DEVELOPMENT HISTORY OF  
RELIGIOUS REHABILITATION**

**ФОРМИРОВАНИЕ КОНЦЕПЦИИ  
РЕАБИЛИТАЦИИ И ИСТОРИЯ  
РАЗВИТИЯ РЕЛИГИОЗНОЙ  
РЕАБИЛИТАЦИИ**

**КИРИШ**

Бугунги кунда аҳолини, айниқса, ёшларни дин байроғи остидаги ахборот хуружлари ҳамда турли бузгунчи оқимлар сафига қўшилиб қолишдан сақлаб қолиш ҳамда билиб-билмай террорчи гуруҳлар таркибига кириб қолган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу масалага жиддий эътибор қаратган дунёнинг айрим давлатлари Яқин Шарқ минтақасидаги турли террорчи гуруҳлар таркибига кириб қолган ва бу ишидан пушаймон бўлса-да, юртига қайтолмаётган шахсларни ватанларига қайтариш амалиётини бошлади. Бу борада Марказий Осиё давлатлари анча фаоллик кўрсатаётганини кайд этиш ўринли. Хусусан, Қозоғистонда “Жусан”, “Жусан-2”, “Жусан-3”, “Жусан-4” ва “Жусан-5” инсонпарварлик операциялари, Ўзбекистонда “Меҳр”, “Меҳр-2”, “Меҳр-3”, “Меҳр-4” ва “Меҳр-5” инсонпарварлик операциялари, Қирғизистонда “Мээрим” (Меҳр-шафқат) миссияси ҳамда Тожикистон ҳам инсонпарварлик операциялари натижасида қўплаб фуқаролар ўз она юртига қайтарилди.

Ватанига қайтарилган шахсларнинг катта қисмини аёллар, ёшлар ва болалар ташкил қилади. Эндилликда мазкур давлатларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири олиб келинган мингга яқин фуқароларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳаётга қайта мослаштириш бўлиб қолмоқда. Бу жараён мазкур соҳани яхши тушунувчи психолог, исломшунос, диншунослардан алоҳида масъулият юклаган ҳолда реабилитациянинг ҳаётий ва содда усулларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Ҳозирги кунда айнан реабилитация тушунчасидан психология, педагогика, иқтисод, сиёсат, мусика, соғлиқни сақлаш, табиат, жисмоний тарбия ва бошқа шу каби бир қатор соҳаларда фойдаланилади. Жумладан, юридик (хуқуқий реабилитация), тиббиёт (тиббий реабилитация), социал (ижтимоий реабилитация) сингари терминлар фан ва соҳа вакиллари орасида кенг истифода этилади. Радикал шахсларни қайта тарбиялаш катта жараён ва тизимли босқичларни ўз ичига қамраб олгани боис юқорида санаб ўтилган уч соҳа вакилларининг ҳам хизматларини кузатиш мумкин.

Реабилитация лотинча “rehabilitatio” (қайта тиклаш) сўзидан олинган бўлиб, “re” – яна, қайта, ортга “habilitatio” – яроқлик, тиклаш, қобилият маъноларини билдиради (Котеловой Н., 1984). Умумий маънода қайта тиклаш, қайта соғайиш дейиш ўринлидир.

Реабилитация атамаси дастлаб юридик соҳа вакиллари томонидан қўлланилган. Тарихий жиҳатдан мазкур тушунча ўрта асрларда маҳкумларни “аввалги ҳуқуқларини тиклаш” ва “афв этиш” сиёсати сифатида ишлатиб келинган. Бу сўзни биринчи марта француз легисти<sup>1</sup> Блейнианус ишлаган. Унда афв этилиб, озодликка чиқарилган маҳбусларнинг аввалги ҳуқуқларини қайтадан тиклаб бериш маъносидан қўлланилган (Яшина А., 2018:280).

<sup>1</sup> Легистлар (лот. лех-хуқук) - юристлар, ўрта асрларда Европада қирол маслаҳатчилари лавозимларини эгаллаган юристлар бўлган. Улар оддий қонунга қарши чиқиб, Рим қонунчилигини ишлаб чиқди ва амалга оширди. XIII асрда легистлар Франция марказлашувида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, давлат аппаратида маъмурий ва суд лавозимларида фаолият юритган. Улар Рим қонунчилигидаги ҳуқуқий реабилитация жараёнидан “*restitutio in integrum*” (аввалги ҳуқуқларини тиклаш)дан фойдаланган ва маҳкумнинг ўз кадр-қиммати, унвони ва ҳуқуқларини тиклаган.

**Аннотация.** Ушбу мақолада дин ниқоби остидаги айрим гуруҳларнинг сафига кириб қолган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш (реабилитация қилиш)нинг аҳамияти ва бу борада психолог, исломшунос, диншунос мутахассислар олдига қўйиладиган муҳим вазифалар ҳақида баҳс юритилади. Шунингдек, мутахассисларнинг мазкур топифадаги шахсларни тарбиялашда эътибор бериши керак бўлган масалалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Шун билан бирга, реабилитация туғунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланишига сабаб бўлган омиллар тарихий мисоллар билан таҳлил қилиб ўтилади. Бундан ташқари мақолада инсонпарварлик операцияси доирасида Сурия, Проқ ва Афғонистондан олиб келинган шахслар билан олиб борилаётган ишлар юридик, тиббий, ижтимоий ва диний реабилитация мисолида ёритилган. Радикал шахслар диний реабилитация масаласига жиддий эътибор қаратиши кераклиги икки даврни ўз ичига олади. 2001 йил 11 сентябрь воқеалари жангариларни дерадикализация қилинишига қаратилган дастурлар ҳамда реабилитация марказларини очилишини тезлаштириб юборгани таъкидлаб ўтилган.

Мақолада биринчи реабилитация амалиёти Ўзбекистонда 2000 йилларда экстремист шахсларга нисбатан қўллангани ва бу ҳолат комплекс реабилитация қилиш дастурини бошлаш ҳамда ривожланиш йўлидаги дастлабки қадам бўлиб хизмат қилгани ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** реабилитация, “Жусан”, “Мехр” ва “Мээрим” инсонпарварлик операциялари, хорижийлар, ИШИД, Ал-Қоида, юридик, тиббиёт, социал ва диний реабилитация.

**Abstract.** This article discusses the pressing issues of rehabilitation and reintegration into society of people involved in the ranks of some pseudo-religious groups, as well as important tasks posed to psychologists, scientists of Islamic studies, and religious scholars. At the same time, some aspects are described that need to be paid attention to when educating people who are influenced by destructive ideas. In particular, the article analyzes the formation of the concept of rehabilitation and the factors that caused the development of religious rehabilitation with historical examples. In addition, the article describes the legal, medical, social, and religious rehabilitation of persons repatriated from Syria, Iraq, and Afghanistan as part of the humanitarian operation. There were two periods when radical individuals should pay serious attention to the issue of religious rehabilitation. It is noted that the events of September 11, 2001, accelerated the opening of rehabilitation centers and programs aimed at the deradicalization of militants.

The article highlights that the first rehabilitation practice was performed in Uzbekistan in the 2000s concerning extremist individuals, and this situation served as an initial step towards the start and development of a comprehensive rehabilitation program.

**Keywords:** rehabilitation, “Jusan”, “Mehr” and “Meerim” humanitarian operations, kharijites, ISIS, Al-Qaeda, juridical, medical, social and religious rehabilitation.

**Аннотация.** В данной статье дискутируется об актуальных вопросах реабилитации и реинтеграции в общество лиц, вовлеченных в ряды некоторых псевдорелигиозных групп, а также важных задач поставленные перед психологами, исламоведом и религиоведами. Вместе с тем, описывается некоторые аспекты, на которые необходимо обращать внимание при воспитании людей, попавших под влияние деструктивных идей. В частности, в статье анализируются становление концепции реабилитации и факторы, обусловившие развитие религиозной реабилитации на исторических примерах. Кроме того, в статье описывается на примере правовой, медицинской, социальной и религиозной реабилитации репатриантов из Сирии, Ирака и Афганистана в рамках гуманитарной операции. Необходимость серьезного сосредоточивания на вопросы религиозной реабилитации радикальных личностей включают в себя два периода. Отмечено, что события 11 сентября 2001 года ускорили принятие программ направленных на дерадикализации боевиков и открытие реабилитационных центров.

В статье освещено, что первая реабилитационная практика в отношении экстремистских личностей была применена в Узбекистане в 2000-х годах, которая послужила первым шагом к началу и развитию комплексной программы реабилитации.

**Ключевые слова:** реабилитация, гуманитарные операции “Жусан”, “Мехр” и “Мээрим”, хаварижди, ИШИД, Аль-Каида, юридическая, медицинская, социальная и религиозная реабилитация.

Ҳозир юридик реабилитация фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини суд ёки маъмурий тартибда қайта тиклаш ҳамда уларнинг номи ва мавқеининг оқланиши маъносига қўлланилади.

Ўзбекистонда ҳам реабилитация ва реабилитацион жараёнлар билан боғлиқ ҳолатлар аввалдан шаклланиб келган, десак муболага бўлмайди. Жумладан, тарихий нуқтан назардан 1930–40 йиллардаги қатагон қурбонларининг хотирасини абадийлаштиришда ҳамда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини тиклашга қаратилган норматив ҳужжатларда “реабилитация” сўзини қўллаш назарда тутилган. Шунингдек, шўролар даврида мамлакатнинг олис жойларига мажбурий равишда қўчирилган халқлар ва айрим фуқаролар ҳам реабилитация қилиниши кераклиги тарихий маълумотларда қайд этилган (Абдумажидов Ғ., 2007:321).

Собик Совет Социалистик Республикаларида (СССР) қатагон қилинганларни дастлабки реабилитация қилиш жараёни 1953–1954 йилларни ўз ичига олиб, унда минглаб асоссиз, узоқ ва шаронти оғир ўлкаларга сургун қилинган халқларни бузилган ҳуқуқларини тиклашдан ҳамда уларни она ватанларига қайтаришдан бошланган.

Шу сабабли ҳам СССР жиноят қонунчилигида, рус тилининг изоҳли лугатида ва рус олимларининг илмий тадқиқот ишларида реабилитация атамасига берилган тарифларда “асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган айбсиз шахсни ҳуқуқларини тиклаш” (Кусиков А., 1926), “яхши номи ва обрўсини йўқотган шахснинг номи ва обрўсини тиклаш”, “шахснинг асоссиз судга тортилганлиги натижа-сида ҳукмнинг барча ҳуқуқий оқибатлари ҳамда судланганлигининг бекор қилиниши” (Евгеньевой А., 1961:1051) каби изоҳлар қилиниб ўтилган. 1950 йиллардаги айбсиз инсонларни реабилитация қилиш сиёсати мазкур тушунчанинг илмий ва оммабоп адабиётларда кенг ёйилиши ва қўлланилишига олиб келди.

“Мехр” инсонпарварлик операцияси доирасида Ироқ, Сурия ва Афғонистондан олиб келинган фуқароларга юридик ёрдам кўрсатилди. Жумладан, фуқароликни тасдиқловчи ҳужжатларни тиклаш доирасида юзага келган чалқашликлар бартараф этилди.

“Реабилитация” атамаси тиббиёт соҳасида ҳам кенг қўлланилиб, беморлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган инсонларни тўла-тўқис ёки қисман соғлигини тиклашга қаратилган тиббий,

педагогик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади (Мадвалиев А., 2008:364).

“Rehabilitation Matters” сайтининг таъсисчиси Дерик Уэйдининг “Реабилитация эволюцияси” номли мақоласида қадимги Рим армиясида кўп қўлланилган лотинча илдирга эга “valetudinarium” сўзи айнан реабилитация хизматини назарда тутгани ва унда ярадор аскарларни жангга қайтариш учун тиббий ёрдам, жисмоний машқлар ҳамда рағбатлантириш ишлари олиб борилгани айтиб ўтган. Шунингдек, қадимги Рим ҳарбий лагерларида учрайдиган маълум бир мезморий бино тури “valetudinarium” (ҳарбий касалхона) деб ҳам аталган (Kunzl E., 2005:99-109). Мазкур ишлар ярадор аскарларга жангга қайтишга ёрдам бериш учун олиб борилган.

“Реабилитация” атамаси соғлиқни сақлаш жараёни сифатида 1914 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. 1940 йилларгача мазкур атамани жароҳатдан кейинги жисмоний тиббиёт сифатида қабул қилиниб, халқро амалиётда асосан, ақлий ва жисмоний нуқсонни бўлган гиронларга нисбатан қўллаб келинган. Реабилитация хизмати дастлаб биринчи жаҳон урушида жароҳатланган аскарларга қаратилган эди. Ҳуқуматлар ампутация (тананинг бирор қисмини кесиб ташланиши) ва бошқа таянч-ҳаракат аъзоларининг шикастланиши бўлган одамлар учун хизматларни ишлаб чиқди. Таклиф этилган реабилитация муолажаси орасида жисмоний ва психологик машғулотлар ҳамда электр муолажалари мавжуд бўлган (Thomas E., 2006:342–346).

Иккинчи жаҳон уруши реабилитация сўзини қўллашни тезлаштирди. 1940–1950 йилларда орқа мия жароҳати ва полиомиелит таъсири остида қолган беморларда реабилитация амалиёти олиб борилди. Шунингдек, оёқларни протез қилиш технологиясидаги ютуқлар реабилитация ҳақида хабардорликни оширди. 1946 йилга келиб АҚШда реабилитация ихтисослаштирилган соҳа сифатида расман тан олинди ва мутахассисликка айлантирилди. Шу йили Америка жисмоний тиббиёт кенгаши (“American Board of Physical Medicine”) ташкил этилди. Ундан сўнг, Буюк Британия, Германия, Голландия ва Швецияда ҳам мазкур жараён ихтисослашган соҳаси сифатида эътироф этилди ҳамда реабилитацияга асосланган институт ва марказлар очила бошлади (Derrick W., 2022).

Экстремистик гоя тасирга тушганларни реабилитация қилиш ва жамиятга реинтеграция

қилишда, ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам муҳим аҳамиятга эга. Сабаби соғлом бўлган маҳбусларгина мутахассис ва мураббийларнинг маълумотлари ҳамда маслаҳатларини қабул қилади. Соғлигидаги муаммоси бўлган диний маҳбусларни соғаймасидан туриб диний реабилитация амалиётини бошлаши самарасиз ҳисобланади. Улардаги тиббий касалликни даволашга қаратилган ёрдамлар сабабли ҳам радикал қарашда бўлган шахсларнинг фикрлаш доираси ўзгаради ва ижтимоийлашув ҳолати тезлашади.

**Ижтимоий реабилитация** – бу фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган чоратadbирлар мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий реабилитация жараёни шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни бўлиб, у бир томондан ижтимоий тажрибани шахсга ўтказиш ва уни ижтимоий муносабатлар тизимига киритиш йўли бўлса, бошқа томондан шахсий ўзгаришлар жараёнини ўз ичига олади.

Миллий қонунчилигимизда ижтимоий реабилитация зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган шахсларга, террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахслар ҳамда озодлиқдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларга ёрдам кўрсатишга нисбатан татбиқ этилмоқда.

Ҳуқуқбузарга нисбатан “ижтимоий реабилитация қилиш” тушунчаси ишлатилганда, бевосита уни ахлоқан тузатиш ёки судланганлик ҳолатини олиб ташлаш сингари чоралар назарда тутилиши билан биргаликда, бевосита жазони ижро этиш муассасасидан жазо ўтаб қайтган шахсни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, маълум муддатга уй-жой билан таъминлаш, ҳокимиятлар ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан моддий, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий ёрдам бериш каби ҳолатларда ўз ифодасини топади (А.Турсунов, И.Фазилов, С.Хўжақулов, 2018:190).

Реабилитацион жараёнларнинг кенг оммалашув тарихига назар ташланса, дастлабки амалиётлар уруш ҳудудидан қайтган инсонларни ижтимоий ҳаётга қайтариш учун олиб борилган. Ушбу жараёни илк маротаба XIX аср охирида кайд этилган. Биринчи жаҳон уруши даврларида британиялик аскарнинг 40% га яқини “Post-traumatic stress” (уруш ва жанглардан сўнг инсон онгида вужудга келадиган руҳий бузилиш)

синдроми билан даволанган. Бу тартибсизлик Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам қайд этилган. Вьетнам урушида америкаликлар, Афғон урушида рус аскарларида, шунингдек, Ироқ ва Суриядаги жангларда ҳам шу каби ҳолатлар кузатилган (Kevin K., 2016). Гарчи бу жараёнларнинг айримларида дин омили аҳамият касб этмаган бўлсада, аскарларнинг ёки уруш ўчоқларида бўлган шахсларнинг онгида муҳрланиб қолган ёвуз тушунча ва қарашлар реабилитация қилиш воситасида даволаниб келган.

Мазкур ҳолатларнинг белгилари сифатида юқори эмоционаллик, асабийлашиш, тажовузкорликка мойиллик, орқадан ҳужум қилинишидан кўркиш, уйку бузилиши, жаҳлдорлик, касоскорлик ва бошқалар кўрилган. Аммо, энг муҳими, ҳиссий чарчаш ва интеллеktуал салоҳиятнинг пасайиши аста-секин содир бўлган (Бешлей О., 2019).

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлардан беморларни даволаш учун тиббиёт соҳаси вакиллари билан биргаликда психолог, социолог ва керакли бўлган мутахассислар реабилитация ишлари олиб боришган. Мазкур жараён айниқса, 1970 йилга келиб АҚШда кенг қўламда олиб борилган ва харбийлар учун мослаштирилган бир нечта реабилитацион дастурлар ишлаб чиқилган. Жангчиларни парвариш қилиш тармогини яратиш учун кўплаб соҳа вакиллари камраб олган институтлар, жумладан, “Walter Reed Army Institute of Research” (Валтер Рид армия тадқиқот институти), “Warrior Care Network” (Жангчиларни парвариш қилиш тармоғи) ва бошқа шу каби ташкилотлар фаолият олиб бориши одатий ҳолга айланган.

1990 йиллардан бошлаб реабилитация атамасининг мазмуни ва қамрови ўзгариб борди. Натижада ушбу сўз кенг маънода талқин қилиниб, аҳолининг турли қатламига нисбатан тикланиш жараёни ҳамда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмаклашиш мазмунида истифода қилди. Айнан шу даврга келиб реабилитация жараёнларида психологик, диний ва мативацион омиллардан фойдаланган ҳолда соғломлаштирувчи дастурлар ишлаб чиқиладиган бўшланди.

Бугунги кунда турли мақсадлар учун фаолият олиб борадиган реабилитация марказлари мавжуд. Улар орасида христиан, яҳудий, исломий реабилитация марказлари ва ҳатто диний бўлмаган реабилитация марказлари фаолият юритмоқда.

Уларнинг аксарияти жиноий махбусларни, алко-голь ва гиёҳванд моддаларга қарам одамларни реабилитация қилишга ихтисослаштирилган.

Диний экстремистик оқимлар таъсирига тушган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг фаолияти нисбатан кеч йўлга қўйилган. Дин омили билан қамалган шахслар сохта даволардан вос кечиши ёки кечмаслиги, шунингдек, зўравонликка қайтиш эҳтимолини камайтириш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги, уларнинг ҳам жазо муддати қачондир тугаши ва озодликка чиққанидан сўнг аввалги жиноий ишини давом эттирмаслиги каби масалалар натижасида экстремистик шахсларни реабилитация қилиш кераклиги кенг оммалаша бошлади (Walkenhorst, 2019:104). Жумладан, бундай фаолиятнинг дастлабкиси 1990 йил Миср ҳукумати тарафидан ишлаб чиқилган ва “Миср ислом жамоати” (МИЖ) экстремистик ташкилоти вакилларига нисбатан қўлланилган. Ҳақиқатда бу каби ҳолатлар диний реабилитация сифатида эътироф этилмаган бўлса-да, Миср ҳукумати диний экстремистик ташкилот вакиллари тарафидан кўтарилаётган гоя ва даъволарга нисбатан “ал-Азхар” уламолари томонидан берилган раддияларини китоб, рисола ва мақолалар кўринишида нашр қилган ҳамда кўрсатув ва эштитиришлар олиб борган. МИЖ ташкилоти вакиллари тарафидан кўтарилган даъволар исломий асослар билан обрўсизлантириб келинган. Мазкур ҳолат, 2003 йилга келиб ўзининг натижасини берди ва радикал қарашларидан қайтган кўплаб махбуслар озодликка чиқарилган (Rabasa A., 2010:244).

Диний реабилитация масаласи ислом тарихига оид манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, исломдаги илк бўлинишлар ва ихтилофларга сабаб бўлган хорижийлик фирқаси вакиллари диний амалларни бажаришда мустаҳкам бўлишларига қарамай, диний таълимот моҳиятини англамагани сабабли турли фитналарни келтириб чиқарганлар. Халифа Али ибн Абу Толиб (р.а.) уларга ҳақ йўлни кўрсатиш ва соф ислом гоёси аслида қандай эканини тушунтириш мақсадида саҳобий Абдуллох ибн Аббос (р.а.) ни хорижийларнинг олдига юборадилар. Ибн Аббос хорижийларнинг ҳукуматга нисбатан норозилигини келтириб чиқарган ва газабланишига сабаб бўлган масалалар юзасидан оят, ҳадис ва шарият қоидалари асосида мантқиқий жавоб беришлари натижасида, уларнинг икки мингга яқини (баъзи ривоятларда тўрт минг

нафари) тўғри йўлдан адашганини англаб етиб, хорижийлар сафидан чиққан (Холмуродов А., 2021:205). Бу мафкуравий жиҳатдан алданган шахсларга илм-маърифат асосида тўғри йўлни тушунтириш орқали реабилитация қилиш энг самарали усул эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишда етакчи мамлакатлардан бири бўлган ва террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш учун мўлжалланган дунёдаги илк марказ ташкил қилган давлат Саудия Арабистони Подшоҳлиги бўлиб, 2004 йилда дин омили билан айбланган экстремистлар учун “Advice” (насихат) дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур учун буюк саҳобийлар Али ибн Абу Толиб ва Абдуллох ибн Аббос (р.а.) ларнинг хорижийларни тўғри йўлга бошлагани илҳом ва асос манбан бўлиб хизмат қилган (S. Karup, 2021:36–38).

## МУҲОКАМА

Йиллар кетма-кетлигида таҳлил қиладиган бўлсак, радикал шахслар диний реабилитация масаласига жиддий эътибор қаратиш кераклиги, икки даврни ўз ичига олиши билан аҳамиятлидир.

Биринчи давр 1979–1989 йиллардаги СССР ва Афғонистон ўртасидаги “Афғон уруши” мижрадорларини қамраб олган бўлиб, мазкур ҳаракат “Афғонистондаги Совет уруши” ёки афғон бўлмаган кўнгилли жангарилар томонидан “Афғон жиҳоди” номи билан ҳам танилган. 1979 йилда СССР кўшинларининг Афғонистонга киритилиши натижасида, 1980 йилга келиб Афғонистон ерлигида “Афғон араблари”<sup>2</sup> номи билан машҳур бўлган минглаб кўнгилли жангчилар жиҳод учун кела бошлаган. Ушбу ҳолат айниқса, 1986 йилларда Совет кўшинларининг мамлакатдан чиқиб кетиш режаси тарқалгандан сўнг, ёлланма жангчиларнинг келиши янада кучайган (S.Elaine, 1986).

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Очик ҳат” номи китобларида мазкур урушини қуйидагича ёритади: “Исломдан бир озгина илми бор ёшларни йиғиб олиб, уларга турли йўллар билан фақат бир нарса – “жиҳод” сўзинг маъносини тинимсиз равишда уқтирдилар, унинг

<sup>2</sup> “Афғон араблари” (шунингдек, араб-афғонлар номи билан ҳам танилган) араб ва бошқа мусулмон мужоҳидлар бўлиб, улар Совет-Афғон уруши пайтида СССРга қарши қурашда ёрдам бериш учун келган ёлланма жангарилар.



моҳиятини муболагали тарзда сингдирдилар, бу борада мисли кўрилмаган бирёрқамаликка йўл қўйилар эди. Турли диёрлардан келган “устозлар” ушбу мавзуда дарслар ўтишар, маърузалар қилишар, мақола ва шеърлар ёзиб, ўз “шогирд”ларига тақдим қилишар эди. Бу ишда иштирок этаётган хар бир кишига унинг дунёдаги энг яхши ва энг бахтли инсон экани бот – бот такрорланарди. Ўша вақтларда кўпчилик бир овоздан “Жиход қайта тикланмоқда”, дея жар солди, бу ҳақда қайта-қайта ёзилди” (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2016:13–16).

Совет Иттифоқи енгиллиб, курулли кучларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиши муаммони ҳал қилмади. Балки бирёрқамла ишнинг оқибати юзга чиқа бошлади. Афғон мужоҳид гуруҳлари ҳокимият илнжида курашдилар. Турли жангари жамоалар бир-бирларини диндан чиққанликда айблаб, ўзро урушни муқаддас жиход тарзида талқин этишди. Ушбу ҳолат мужожир гуруҳларни диндан чиқишда айблаш ва оддий “мужоҳид”ларни урушга даъват қилиш ҳамда раҳбарнинг чақиригига сўзсиз итоатни таъминлашнинг воситаси бўлиб хизмат қилди. Натижанда ўзаро курулли уруш олиб бораётганлар, бир-бирини “кофир”ликда айблаб, ўз ишини жиход сифатида талқин қилиши жадаллашди.

Минтақада тўпланган қатта миқдорда жангарилар гуруҳи 1988 йилда Усома бин Лодин бошчилигидаги “ал-Қоида” террористик гуруҳининг шаклланишига олиб келди<sup>3</sup>. “Афғон уруши”дан сўнг мазкур жангарилар тўдаси 2000 йилгача турли ҳудудлардаги кўпуровчилик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этди. Улар орасида энг йириклари Босния-Герцеговина,

<sup>3</sup> Радикал “ислом” голярига асосланган ушбу трансмиллий диний-сиёсий гуруҳнинг пайдо бўлишига Усома бин Лодин (1957–2011) раҳбарлигида Афғонистонда собик Совет армиясига қарши урушда иштирок этиш учун кўнгилиларни ёллаш ва уларни курул-аслаха билан таъминлаш мақсадида Покистон ҳудудида тузилган “Мақтаб ал-хидма” бюроси асос бўлиб хизмат қилган. Усома бин Лодин “исломий жиход” гоясининг асосчиларидан бири бўлган Абдуллоҳ Аззам (1941–1989) билан танишиб, унинг шогирди ва ҳаммаслагига айланди. Усома бин Лодин Абдуллоҳ Аззамнинг гоивий тарғиботлари асосида 1979 йил Афғонистонга келди ва у ердаги ўзининг жанговар фаолиятини бошлади. 1988 йилга келиб, ўз атрофига “маҳоратли” жангариларни тўплаган Усома бин Лодин, шу давргача мавжуд бўлган ислом никобидидаги террорчи ташкилотларнинг таянч базасини яратиш мақсадида “Ал-Қоида” ташкилотини тузди.

Жазоир, Яман ва Миср ҳукуматларига қарши қаратилган жанглр бўлган (Dahlberg J., 1994). Жанглардан сўнг ватанига қайтган “мужоҳид”лар ўз мамлақатида ҳам кўпуровчилик ҳаракатларини содир этишда қатнашган.

Бунинг сабаби тўғрисида тўхталиб Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф шундай деган: “...Ҳолбуки, мазкур бирёрқамла тарбия оқибатида жангари кимсаларга айланиб қолган, урушдан бошқа нарсани билмайдиган ёшларга тинч ҳаётга мослаштириш учун уларни қайта тарбиялаш, уларни фикрини уруш мафқурасидан тозалаб, тинч ҳаётга қайтариш керак эди. Бу эса барча замон ва маконларда урушдан кейин қатъий равишда амалга оширилиши шарт бўлган ишлардан экани тажрибадан эди. Уруш иштирокчиларига ўз жамиятларида алоҳида эътибор берилар, уларни бирлаштирувчи ташкилотлар тузилар, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берилар эди. Бундай ишлар доимо бўлиб келган ва бўлмоқда эди. Афғонистондаги урушда енгилган советлар урушда иштирок этган ўзининг собик аскарлари учун бу ишларни қилди. Аммо мазкур уруш қатнашчилари бўлмиш мусулмон ёшларга нисбатан бу ишлар қилинмади. Қилиниш лозим бўлган ўта муҳим ишдан мусулмон оламида ҳеч кимнинг хабари ҳам йўқ эди...” (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2016:13–16).

Совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқилгандан сўнг, уларни тинч ҳаётга қайта мослаштириш учун реабилитация амалиётларига жиддий эътибор қаратилган. Ҳатто хозирги кунда ҳам Москва яқинидаги Руза шаҳрида “Афғон уруши” иштирокчилари учун А.Лиходей номидаги жангчилар реабилитация маркази фаолият юртади. Профессор Михаил Решетниковнинг таъкидлашича, “Ҳақиқий жанглари бошдан кечирган аскарларни қайта ҳаётга мослаштириш атом электр станциясини утилизация қилиш билан бир хил. Уни куриш қиммат, утилизация қилиш эса, ундан ҳам қиммат туради. Шунинг учун собик жангчиларни реабилитация қилиш учун кўп маблаг ва бир неча ой, ҳатто йиллар талаб қилинади” (Бешлей О., 2019).

“Ал-Қоида” террорчи гуруҳининг ёлланма жангчилари кўпайишида “Афғон уруши”дан сўнг жангариларнинг реабилитациясига мутлақо эътибор қаратилмади ва аксинча, улар ўз ватанларида (асосан, араб мамлақатлари) ҳеч қандай тўсиксиз ҳаракатланиб келгани ҳал қилувчи омил бўлди. Мазкур ҳолат йиллар

ўтган сайин мамлакат ичида турли радикал гуруҳларнинг шаклланишига ва улар тарафидан терактлар содир этишига ҳам олиб келди. Жумладан, Яман ҳукумати Афғон-Совет урушида қатнашган кўп сонли жангари яманликлар ва чет эллик уруш фахрийларини мамлакатга жойлаштиришга рухсат берган. АҚШ Давлат департаментининг 1993 йилги хисоботида, Яман Афғонистонни тарқ этаётган кўплаб жангчилар учун тўхташ жойига айланиб бораётганини ва бу ҳолат келгусида жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган. Натижада, 1994 йилда Яманда содир бўлган фуқаролар уруши даврида (шимолий ва жанубий Яман кучлари ўртасидаги тўқнашув) жанговар ҳаракатларни айнан Афғон урушида катнашган ёлланма ва яманлик бўлган жангарилар олиб борган (Rabasa A., 2010).

Ҳукумат мазкур ҳолатга оддий куз билан қараб бўлмаслигини тушунди ва жангариларни реабилитация қилиш чораларини кўришга киришди. Айниқса, 2001 йил 11 сентябрь куни АҚШ содир этилган теракт, ислом никоби остидаги жангари гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш кераклигини кўрсатди ва радикал кўринишлардаги диний гуруҳлар қўлга олина бошланди. Мазкур ҳолат жангариларни реабилитация қилиниши лозимлигига қатта туртки бўлди.

Иккчи давр 2001 йил 11 сентябрь воқеалари<sup>4</sup>дан ҳозирги кунгача давом этмоқда. Ушбу воқеалардан сўнг радикал кўринишдаги диний гуруҳ вакилларини хибсга олиш терактларнинг тўхташ ҳамда экстремистларни тўғри йўлга бошлашнинг ечими бўлмаслигини кўрсатди. Чунки қўлга олинган экстремистлар ўзларининг сохта даъволарини қамқоқона муҳитида ҳам давом эттиришга киришди. Масалан, 2001 йил Сингапурда “Ислом Жамоати” аъзолари исломдаги диний тушунчаларни бузиб талқин қилиш ва экстремистик қарашлари сабабли хибсга олина бошланган. Шундай бўлса-да, улар

<sup>4</sup> 2001 йилнинг 11 сентябрида Америка Қўшма Штатларида турли рейслар билан Нью-Йорк, Бостон ва Вашингтон шаҳарларидан учган тўртта “Боинг-757” самолёти “ал-Қоида” гуруҳига мансуб 18 нафар террорчи томонидан эғаллаб олинди, уларнинг иккитаси Нью-Йоркдаги Халқаро савдо маркази жойлашган “Эгизак” биноларга, биттаси эса АҚШ қуролли кучлари штаби – Пентагонга йўналтирилди. Яна бир самолёт Пенсильвания штатидаги Шанксвилл районига қулаб тушди. Оқибатда 2974 киши ҳаётдан кўз юмди (шу билан бирга 19 та террорчи), 10 мингдан ортиқ киши жароҳатланди.

қамқоқоналарда ҳам сохта даъволаридан воз кечмаган ҳолда даъват ишларини олиб борди. Натижада, кўплаб махбуслар “Ислом Жамоати” тарафдорларига айлана бошлади. Шу каби ҳолат Ироқ, Иордания, Саудия Арабистони, Индонезия, Малайзия, Покистон ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги қамқоқоналарда ҳам кузатилган.

Ўша даврларда қамқоқоналар экстремистлар учун “хавфсиз бошпана”га айланиб қолган ва улар ўзларининг даъватларини шу ерда олиб бора бошлаган. Жумладан, Абу Мусаб аз-Зарқови (Ироқдаги Ал-Қоида террористик гуруҳи раҳбари) Иордания, Абу Бакр Бағдодий (ИШИД террористик гуруҳи раҳбари), Абу Муҳаммад Жулони (Жабҳат ан-Нусра раҳбари) Ироқдаги Камп Букка қамқоқонасида жазо муддатини ўтаётган вақтида ўзларининг гоёларига кўплаб махбусларни эргаштирган (F.Vaysov, 2018). Уларнинг тарафдорлари озод этилгандан сўнг террорчилар сафига бориб қўшилган. Собиқ махбуслар шу каби қамқоқоналарни “ал-Қоида мактаби” деб аташган. Махбуслар озод қилингандан сўнг икки нарса ҳақида гапиришган: жиҳод ва қасос олиш (Tejence M., 2014).

Қамқоқоналар ҳам зўравон экстремистик гоёлар инкубатори, ҳам маҳкумларни ахлоқ тузатиш муассасалари бўлиши мумкин. Ҳозирда бир қатор давлатлар қамқоқоналардаги махбусларни реабилитация қилишга қаратилган дастурлар қабул қилган. Ушбу дастурларнинг мақсади зўравон экстремистларни реабилитация қилиш ва уларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини камайтириш билан жамиятга қайтариш бўлиб хизмат қилмоқда (Глобальный контртеррористический форум, 2012).

## НАТИЖА

2001 йил 11 сентябрь воқеалари жангариларни дерадикализация қилинишига қаратилган дастурлар ва реабилитация марказларини очилишини тезлаштириб юборди. Жумладан, АҚШда содир этилган терактдан сўнг, Яманда барча “Афғон урушида” иштирок этган жангарилар ва “Арабистон ярим ороли” “Ал-Қоида” аъзолари хибсга олина бошланди. 2002 йил 24 августда Яман Халқ Конгрессининг олтинчи йиллик партия конференциясида Президент Али Абдулла Солих “Мулоқот қўмити”сини (диний реабилитация марказини) тузишни эълон қилди (Rabasa A., 2010).

Шу каби ҳолат Саудия Арабистонида ҳам кузатилди. Ҳукумат 2001 йил 11 сентябрдаги гуруҳларга жавобан терроризмга қарши операцияларни қучайтирди, кенг қамровли ҳибсга олиш ва сўроқларни ўтказди, “Ал-Қоида”нинг бир қанча етакчиларини қатл қилди. Шунингдек, “Муслмон биродарлар”, “Ал-Қоида”га алоқадор гуруҳлар ва Сомали, Афғонистон, Покистонда бўлган шахсларни ҳибсга олди. Бироқ, бу уриниш қўтилган натижани бермади. 2003 йилнинг май ойида “Ал-Қоида” аъзолари Ар-Риёздаги учта турар-жойга ҳужум қилиб, 27 кишини ўлдирди. Мазкур ҳолат Саудия ҳукуматини экстремизмга қарши анъанавий саъй-ҳаракатлардан янги “юмшоқроқ” ёндашув (реабилитация)га ўтишига сабаб бўлди ва асосий эътиборни жиҳодчи жангариларни дерадикализация қилишга қарата бошлади (Andreas C., 2015).

Қироллик фармони билан 2003 йилда “Шахзода Муҳаммад Бин Найиф маслаҳат ва парвариш маркази”да ўз фаолиятини бошлади. Унда психолог, социолог, исломшунослик бўйича мутахассислар маҳбуслар билан реабилитация ишларини олиб бориши йўлга қўйилди. Маҳбуслар озодликка чиққанларидан сўнг ўз ишларини топишлари осон бўлиши учун касбий тайёргарлик бўйича махсус дастурлар белгилаб берилди (Brzuszkiewicz S., 2017).

Сингапур ҳукумати ҳам 2003 йилга келиб Нанянг технология университетининг “Халқаро сиёсий зўравонлик ва терроризмни тадқиқ қилиш маркази” ташаббуси билан, кўнгилли уламолардан ташкил этилган “Диний реабилитация гуруҳи” (ДРГ) тузилди ва диний экстремистларни жамиятга қайта мослаштириш мақсадида реабилитация дастурларини ишлаб чиқди. Бугунги кунга келиб Сингапур экстремистик шахсларни қайта тарбиялашда жаҳондаги етакчи мамлакатлардан ҳисобланади ва мазкур позиция ҳукумат тарафидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Ҳозир ДРГ ташкилотнинг тажрибаси асосида кўплаб мамлакатларда диний реабилитация технологиялари кенг қўлланилиб келинмоқда. Ҳуусан, ДРГ томонидан “Ислом жамоати”, “Ал-Қоида” ва ИШИД террорчи ташкилотларига қўшилган шахсларни реабилитация қилиш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилган (Religious Rehabilitation Group, 2016).

2001 йил 11 сентябрь воқеалари натижасида кўплаб давлатлар радикал шахсларни ижтимоий-

лаштирувчи лойиҳалар сонини кўпайтирди. Масалан, 2006 йилда Йроқ АҚШ ҳарбий кучлари билан ҳамкорликда экстремистик гуруҳлар вакилларини реабилитация қилиш амалиётини бошлаган бўлса (Rabasa A., 2010), 2009 йилда Покистон радикал қарашдаги ёшлар ва Толибон вакилларини реабилитациясига қаратилган “Саба-вон реабилитация маркази”ни ишга туширди (Raafia K., 2019).

Шунингдек, 2010 йил Индонезия, 2016 йилда эса, Малайзия жиноятчиларни озод қилиниш жараёнида реабилитация қилиш кўзда тутилган “Пемулиҳан” модулини ишлаб чиқди. Унга кўра, радикал қарашда бўлган шахсларни жамиятга интеграция қилиш назарда тутилган (M.Aslam, 2020).

Мутаассиблашувдан қайтаришнинг маърифий усуллари самарадорлиги ва экстремизмга қарши кураш стратегияси доирасида Туркияда “Маънавий ёрдам”, Буюк Британияда “Contest”, БААда “Ҳидоя” ва “Савоб”, Саудия Арабистонида “Муносаҳа” ва бошқа шу каби марказлар фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, радикал шахсларни реабилитация қилиш масаласида Марказий Осиё давлатлари томонидан тизимли ишлар олиб борилаётгани кузатилмоқда. Масалан, Қозғистоннинг Павлодардаги динлараро муносабатларни таҳлил қилиш маркази, воёга етмаганларни ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи “Шанс” маркази “Жусан” операциялари давомида ваганига қайтарилган аёллар ва болалар билан ишлар олиб бормоқда. Тожикистон ҳукумати ҳам “Халқаро қизил хоч” билан ҳамкорликда реабилитация дастурини амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистонда биринчи реабилитация амалиёти 2000 йилларда биринчи президент И.Каримовнинг кечирим сиёсати асосида “Ўзбекистон ислом ҳаракати” ва “Ҳизб ут-Таҳрир” аъзолари жиноий жавобгарликдан шартли озод қилинди. Бу кейинги йилларда террорчи ва экстремистик маҳбусларни комплекс реабилитация қилиш дастурини бошлаш ва ривожланиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб ҳизмат қилди. Мазкур афв этишга асосланган реабилитация сиёсати йиллар давомида тақомиллашиб борди.

Маълумки, 2017 йилдан буён диний экстремистик ҳаракатларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишда афв этиш ақтларидан фойдаланилди. Ўзбекистонда бу чора ўзини-ўзи

тузатиш йўлига қатъий киришган ва чин дилдан тавба қилган қамоқда жазо ўтаётган минглаб кишига нисбатан қўлади.

Шунингдек, 2018 йилнинг сентябрь ойида террорчи, экстремист ёки бошқа таъқиқланган ташкилот ва гуруҳларга адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этилиши, уларнинг жамиятга реинтеграция қилиш имкониятини таъминлаш тартиби тасдиқланди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда мазкур соҳада мисли қўрилмаган чора-тадбирлар “Меҳр” инсонпарварлик ҳаракатлари амалга оширилди. Нагжида қўллаб аёллар ва болалар яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар ўчоқларидан қайтарилди.

Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати томонидан адашган шахсларни реабилитация қилиш жараёнига турли соҳа вакиллари мутахассислар жалб этилмоқда. Хусусан, Президент топшириғига мувофиқ ҳукумат қарори билан Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Махсус комиссия ташкил этилди ва унинг таркибига Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мактабгача таълим, Адлия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Маънавий ва маърифат маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Республика маданият марказидан тегишли раҳбар ва мутахассис ходимлар жалб қилинди. Қарорда барча масъул вазирлик ва идоралар мутасаддиларга аниқ вазифалари белгилаб қўйилди.

Ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларга тиббий ёрдам ва психосоциал кўмак бериш, шахсий ҳужжатларни тиклаш, бандлигини таъминлаш, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларда иштирок этиш ҳамда ижтимоий нафақалар тўлаш чоралари кўриш борасида ишлар олиб борилди.

Шунингдек, ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта мослаштириш борасида уларга руҳий, маънавий-маърифий жиҳатда қўллаб ишлар олиб борилиши керак. Сабаби шуки реабилитация самарали бўлиши учун махсус тизим ва дастур асосида узвий ва давомли тартибда бўлиши лозим. Бу борада ҳали биз қўллаб изланишлар олиб боришимиз минталитетимизга ва миллий-лигимизга мос бўлган реабилитация механизмларини ишлаб чиқишимиз тақозо этилади.

Экстремистик гоаялар таъсирига тушганларни реабилитация қилиш дастурларининг универсал шакли йўқ. Негаки, турли кўринишдаги ижтимоий ва маданий дастурий тизимлар минтақага қараб турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун турли реабилитация дастурларини тўғридан-тўғри трансформация қилиб бўлмайди. Реабилитация дастурларни амалиётга тағбиқ этишда миллий, маданий меъёрлар ва кадриятлардан фойдаланган ҳолда таъсир кўрсатиш самарали ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, диний ва миллий кадриятларга эътиборсизлик, уларнинг олдини олиш ва барҳам беришга қаратилган услубий қўлланмалар яратиш, жойларда гоаявий тарғибот, тарбиявий ишларни мақсадли ташкил этишнинг илмий-назарий муаммоларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, Президентимиз ташаббуслари билан бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказиш, одамларни ўйлантириб келаётган камчилик ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда тўғри йўлдан адашиб, қилмишидан пушаймон бўлган, соғлом турмуш тарзига қайтган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашуви учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бунда айниқса, ёшлар маънавий оламини юксалтириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва диний кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ

1. Котеловой Н. (1984). Новые слова и значения. Словарь-справочник по материалам прессы и литературы 70-х годов / Под ред. Москва: Русский язык.
2. Яшина А. (2018). Институт реабилитации: Конституционно-правовые аспекты. Москва: Юрлитинформ.
3. Абдумажидов Ғ. (2007) Реабилитация // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти.
4. Қусиков А. (1926). Реабилитация трудящегося при прекращении уголовного дела // Ежегодник советской юстиции. № 18.

5. Евгеньевой А. (1961). Словарь современного русского языка. Т. 12.
6. Мадвалиев А. (2008). Реабилитация // Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Тошкент: Давлат илмий нашриёти.
7. Kunzl E. (2005). Aesculapius in the valetudinarium, or: the hitherto existing interpretation of Roman military hospital is furthermore valid. Wurzburg: Medizinhist Mitt.
8. Thomas E. (2006). Craiglockhart War Hospital and shell-shock treatment in the First World War // London, UK. № 99
9. Derrick W. (2022). Evolution of rehabilitation. [www.rehabilitationmatters.com](http://www.rehabilitationmatters.com)
10. Турсунов А., Фазилов И., Хўжакулов С. (2018). Профилактика правонарушений. Тошкент: Академия МВД РУз.
11. Kevin K. (2016). Globe kol Covering all the bases for veterans. [www.bostonglobe.com](http://www.bostonglobe.com)
12. Бешлей О. (2019). Это то же самое, что утилизировать атомную станцию. Можно ли вылечить “афганский синдром” <https://www.currenttime.tv/a/29770353.html>
13. Walkenhorst D. and others. (2019). Rehabilitation Manual. Rehabilitation of radicalised and terrorist offenders for frontline practitioners. German: Radicalisation Awareness Network.
14. Rabasa A. and others. (2010). Deradicalizing Islamist Extremists. Santa Monica: National Security Research Division.
15. Холмуродов А. (2021). Абдуллох ибн Аббос Солиҳ сиймолар силсиласи. Тошкент: “Азон китоблари” нашриёти.
16. Kapur S. (2021). Bridging the gap between theory and praxis: An exploration of international society’s responsibility towards instability in Pakistan, 1947–2020. UK: Lancaster University.
17. Elaine S. (1986). “Pakistani Says Soviet Offered A 4-Year Afghan Withdrawal” // The New York Times New York, D17 (1 page).
18. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. (2016). “Очиқ хаг”. Тошкент: “Hilol” нашриёт-магбааси.
19. Dahlburg J. (1994). “Arab veterans of Afghanistan war lead new islamic holy war”. New York: Compass media.
20. Vaysov F. (2018). The problem of radicalization and terrorist recruitment in prisons. Russia: Tomsk State University.
21. Terrence M. (2014). How the Islamic State evolved in an American prison // The Washington Post. USA, Retrieved.
22. Глобальный контртеррористический форум. (2012). Римский меморандум о надлежущей практике реабилитации и реинтеграции лиц, совершивших насильственные преступления экстремистского характера.
23. Andreas C. (2015). Deradicalization Programs in Saudi Arabia: A Case Study. Washington D.C.: Middle East Institute.
24. Brzuskiewicz S. (2017). Saudi Arabia: the deradicalization program seen from within. [www.ispionline.it](http://www.ispionline.it)
25. About Religious Rehabilitation Group (RRG). (2016). <https://www.rrg.se/about-rrg/>
26. Raafia K. (2019). Radicalisation Blog Series: Sabaoon - De-radicalisation through a Compassionate Approach. [www.news.uwa.edu.au](http://www.news.uwa.edu.au)
27. Aslam M. (2020). Deradicalization Programs for SOSMA, POTAs, and POCA Detainees in Malaysia. Middle East Institute. [www.mei.edu](http://www.mei.edu)

## REFERENCES

1. Kotelovoy N. (1984). Novyye slova i znacheniya. Slovar-spravochnik po materialam pressy i literatury 70-h godov / Pod red. Moscow: Russkiy yazik.
2. Yashina A. (2018). Institut reabilitatsii: Konstitusionno-pravovoye aspekty. Moscow: Yurlitinform.
3. Abdumajidov G. (2007) Reabilitatsiya // O`zbekiston milliy ensiklopediyasi. Tashkent: Davlat ilmiy nashriyoti.
4. Kusikov A. (1926). Reabilitatsiya trudyayuyegosya pri prekrashchenii ugovnogo dela // Yezhenedelnik sovet-spravochnik. № 18.
5. Yevgenyevoy A. (1961). Slovar sovremennoy russkoy yazyka. M. T. 12.
6. Madvaliyev A. (2008). Reabilitatsiya // O`zbek tiling izohli lug`ati. Tashkent: Davlat ilmiy nashriyoti.
7. Kunzl E. (2005). Aesculapius in the valetudinarium, or: the hitherto existing interpretation of the Roman military hospital is further valid. Wurzburg: Medizinhist Mitt.
8. Thomas E. (2006). Craiglockhart War Hospital and shell-shock treatment in the First World War // London, UK. No. 99 of.
9. Derrick W. (2022). Evolution of rehabilitation. [www.rehabilitationmatters.com](http://www.rehabilitationmatters.com)
10. Tursunov A., Fazilov I., Xo`jaqulov S. (2018). Profilaktika pravonarusheniy. Tashkent: Akademiya MVD RUz.
11. Kevin K. (2016). Globe kol Covering all the bases for veterans. [www.bostonglobe.com](http://www.bostonglobe.com)
12. Beshley O. (2019). Eto to je samoye, chto utilizirovat atomnyuy stansiuyu. Mojno li vylechit “afganskiy sindrom” <https://www.currenttime.tv/a/29770353.html>
13. Walkenhorst D. and others. (2019). Rehabilitation Manual. Rehabilitation of radicalized and terrorist offenders for first-line practitioners. German: Radicalization Awareness Network.
14. Rabasa A. and others. (2010). Deradicalizing Islamist Extremists. Santa Monica: National Security Research Division.
15. Xolmurodov A. (2021). Abdulloh ibn Abbos Solih siymolar silsilasi. Tashkent: “Azon kitoblari” publishing house.
16. Kapoor S. (2021). Bridging the gap between theory and practice: An exploration of international society’s responsibility towards instability in Pakistan, 1947–2020. UK: Lancaster University.
17. Elaine S. (1986). “Pakistani Says Soviet Offered A 4-Year Afghan Withdrawal” // The New York Times - New York, D17 (1 page).

18. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2016). "Ochiq xat". Tashkent: "Hilol" nashriyot-matbaasi.
19. Dahlburg J. (1994). "Arab veterans of Afghanistan war lead new Islamic holy war". New York: Compass media.
20. Vaisov F. (2018). The problem of radicalization and terrorist recruitment in prisons. Russia: Tomsk State University.
21. Terrence M. (2014). How the Islamic State evolved in an American prison // The Washington Post. USA, Retrieved.
22. Global counterterrorist forum. (2012). Rimsky memorandum o nadlezhashchey praktike reabilitatsii i reintegratsii lits, sovrshivshikh nasilstvennyye prestupleniya ekstremistkogo kharakarta.
23. Andreas C. (2015). Deradicalization Programs in Saudi Arabia: A Case Study. Washington D.C.: Middle East Institute.
24. Brzuszkiewicz S. (2017). Saudi Arabia: the deradicalization program seen from within. [www.ispionline.it](http://www.ispionline.it)
25. About Religious Rehabilitation Group (RRG). (2016). <https://www.rrg.sg/about-rrg/>
26. Raafia K. (2019). Radicalisation Blog Series: Sabaoon - De-radicalisation through a Compassionate Approach. [www.news.uwa.edu.au](http://www.news.uwa.edu.au)
27. Aslam M. (2020). Deradicalization Programs for SOSMA, POTAs, and POCA Detainees in Malaysia. Middle East Institute. [www.mei.edu](http://www.mei.edu)



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм

1/2023

*Бош муҳаррир:* **Ж.Каримов**

*Муҳаррир:* **З.Фахриддинов**

*Нашр учун масъул:* **З.Арслонов**

*Чет тилларидаги матнлар муҳаррири:* **О.Сотволдиев**

*Дизайнер-саҳифаловчи:* **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.  
**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz  
**E-mail:** info@moturidiy.uz

Наشريётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.  
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.  
Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”  
наشريёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.





# IMOM MOTURIDIY


XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER


المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

 [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

 +998971 244-35-36

 [www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

 @moturidiyuz

 [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)